



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 23.11.2022 г. № 2

между **MILLIY ISSIQ OVQAT** и **Тошкент вилояти фтизатрия ва пулманология маркази** на общую сумму **497268000,00**

Глава  
Казначейский лицевой счёт

054

100021860272657073201054003

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			(в сумах)
	4252300			Всего
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь	247 608 000,00			
Декабрь	249 660 000,00			247 608 000,00
<b>Всего за год</b>	<b>497 268 000,00</b>			<b>249 660 000,00</b>
				<b>497 268 000,00</b>

Всего 497268000,00 сум

Четыреста девяносто семь миллионов двести шестьдесят восемь тысяч сум 00 тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 149180400 сум или 30 % \*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в Ноябрь мес. 2022 г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



(подпись)

Зияев Т.Э.  
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Зулфикарова Х. С.  
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

## Аутсорсинг шартлари асосида овқатланишни ташкил этиш учун

### ШАРТНОМА № 2

Тошкент вилояти

2022 й. «\_23\_» \_ Ноябрь

Кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталувчи **Тошкент вилояти Фтизиатрия ва пульмонология маркази** номидан Низом асосида фаолият юритувчи бош шифокори **Т.Э. Зияев** \_ бир томондан

ва кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталувчи МСНЖ **“MILLIY ISSIQ OVQAT”** номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директори **Н.У. Собиров** иккинчи томондан, кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

#### I. Шартнома-предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг топшириғи бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида қайд этилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса — ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб у тугагунига қадар ҳар қуни шифохонани озик-овқат паёқларининг белгиланган меъёрлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этган ҳолда Буюртмачи билан келишилган таомномага мувофиқ тўрт маҳал иссиқ овқат(нонушта, тушлик, полдник, кечки овқат) билан таъминлаш мажбуриятини (кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади) ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил «\_23\_» ноябрдан то 2022 йил «31» декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактурани имзолаганидан ҳамда Буюртмачи томонидан Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига пул маблағлари ўтказилгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

#### II. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.1.1. Таомни ва тайёр маҳсулотни сифатли тайёрлаш бўйича санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг таом тайёрлаш ва овқатланишни ташкил этишга тааллуқли қисмларидаги талабларга тўлиқ мос келадиган Хизматлар кўрсатиш.

2.1.2. Овқатланувчиларнинг овқатланишини ташкил этишда тегишли сифат сертификатлари билан тасдиқланган озик-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш.

2.1.3. Ўзининг омиборида сақланаётган озик-овқат захираларини янгилаб туриш.

2.1.4. Аутсорсер томонидан сифатли ва янги маҳсулотлар харид қилиш.

2.1.5. Хизматларни мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.

2.1.6. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур Шартнома шартларига амал қилмасдан, овқат сифатининг ёмонлашувиغا олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул бартараф этиш.

2.1.7. Таомни тайёрлаш жараёнига фақат белгиланган тартибда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга руҳсат этиш.

2.1.8. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидалари, шунингдек, ички кун тартибига риоя қилиш мажбуриятини юклаш.

2.1.9. Хизматларни бевосита кўрсатиш.

2.1.10. Хизматлар нархини оширмаган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан:

соликлар тўлаш;

белгиланган тартибда у билан меҳнат шартномаси тузган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш;

озик-овқат маҳсулотларини харид қилиш;

озик-овқат маҳсулотларини савдо шохобчаларидан хизмат кўрсатиш жойигача етказиш;

совуtuvчи компрессорлар ва бошқа жиҳозларни соз ҳолатда сақлаш, таъмирлаш, қайта тўлдириш;

ижарага олинган бино, хона, мебель, инвентарь ва бошқаларни зарур ҳолатда сақлаш ва жорий таъмирлаш.

2.1.11. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва алоҳида ижара шартномасини расмийлаштирган ҳолда Буюртмачидан ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлар ва ошхона мебелини қабул қилиб олиш.

2.1.12. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачи овқатланишини узлуксиз ташкил этишни таъминлаш.

2.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаш.

2.2.2. Аутсорсерга шахсий таркибнинг овқатланишини ташкил этиш учун ижара шартномаси доирасида «ноль»

ставкаси бўйича ошхоналарнинг ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлари ва мебель анжомларини вақтинча фойдаланишга бериш.

2.2.3. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва алоҳида ижара шартномасини расмийлаштирган ҳолда Аутсорсерга ошхоналарнинг ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлари ва мебелани топшириш.

2.2.4. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Аутсорсерни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда бажарилаётган ишларнинг юритилиши ва сифатини исталган вақтда текшириш.

2.3.2. Буюртмачи Шартномани бажаришни рад этиши тўғрисидаги хабарномани олгунига қадар Аутсорсерга кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаб, исталган вақтда Шартномани бажаришдан бош тортиш.

### III. Шартноманинг нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур Шартноманинг нархи :

№	Хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	сони	Нархи	сўммаси	ҚҚС	Жами сўммаси
1	4 маҳал иссиқ овқат (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат) 20% устама ҳақи билан бирга	порция	14540	34200	497268000	0	497268000
	<b>ЖАМИ</b>	<b>X</b>		<b>X</b>		<b>0</b>	

497 268 000 (Тўрт юз тўқсон етти минг икки юз олтмиш саккиз минг)сўм \_\_\_\_\_  
( сўмма сон ва сўз билан)

сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсерга олдиндан 30 фоиз миқдоридаги тўлов 5 банк куни ичида ўтказилади.

3.3. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича 70 фоиз миқдорида ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ўн кунда камида бир марта амалга оширилади.

3.3.1. Овқатланадиган бир киши учун кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи Аутсорсер етказиб берувчидан харид қилган ва тегишли меъёрлар бўйича тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг амалдаги нархи овқатланувчиларнинг сонига кўпайтириш йўли билан Буюртмачи томонидан белгиланади. Ҳосил бўлган якуний сумма 20 фоизгача устама ҳақи миқдорида кўпайтирилади (яъни, умумий сумма аутсорсернинг 20 фоизгача устама ҳақида кўпайтирилади).

3.3.2. Овқатланувчиларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва овқатланадиган бир кишига кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик таомномага (озиқ-овқат маҳсулотларининг таксимоти) мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда тўланиши лозим бўлган суммани кўрсатган ҳолда бажарилган ишларнинг йиғма далолатномасини тузади ва ҳисоб-фактурани расмийлаштиради ҳамда улар Аутсорсер раҳбари ва шифохона бош шифокори томонидан имзоланади.

3.3.3. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.3.4. Мазкур Шартномага 2-иловада кўрсатилган Шартнома прогноз суммасини ҳисоблаш учун озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ўзгарганда ёки бошқа асосли ҳолатларда Томонлардан бирининг ташаббуси билан бир ойда бир марта қайта кўриб чиқилиши мумкин.

### IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер Буюртмачи шахсий таркибининг овқатланишини ташкил этиши бўйича Шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолатларда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларни зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф этишдан озод қилмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмагани ёки тегишли даражада бажарилмагани учун томонлар

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар.  
4.4. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.  
5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмайдиган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф этиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда қўриб чиқиш учун судга берилади.

#### VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолат енгиб бўлмас куч, яъни табиий офаатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга орқага сурилади

#### VII. Яқунловчи қондалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартномага барча иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.  
7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор-бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.  
7.3. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

#### VIII. Мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома икки томонлама имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

#### IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

##### “Буюртмачи”

Тошкент вилоят Фтизиатрия ва пульмонология маркази  
Манзил: Тошкент тумани. Мажнунтол МФЙ,  
Хиёбон-1 кўчаси, 145-уй,  
ИНН: 202029343. ОКЭД: 86100  
ШХВ: 100021860272657073201054003  
Тошкент шаҳар марказий банк ХККМ  
Х/р: 23402000300100001010.  
МФО: 00014. ИНН: 201122919  
Тошкент тумани ғазначилик бўлими



Зияев Т.Э.

##### “Аутсорсер”

МСНЖ “MILLIY ISSIQ OVQAT”  
Манзил: Тошкент вилояти Ангрен шаҳри,  
Истикбол маҳалласи 5 даха, 3 уй.  
ИНН: 309993064. ОКЭД: 56210  
Х/р: 2020 8000 4055 8271 3001.  
Банк: ХАТВ “DAVR BANK” Чилонзор  
филиали МФО: 01046.



м.ў.

Н.У. Собиров

ХУҚУҚШУНОС



Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

# GUVOHNOMA



Yuridik shaxs

**"MILLIY ISSIQ OVQAT" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT**

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

**"MILLIY ISSIQ OVQAT" MCHJ**

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

**309 993 064**

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

**Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)**

**03.11.2022**

Sana

**2005899**

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

**MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT**

Faoliyat yuritadigan manzil:

**TOSHKENT VILOYATI, ANGREN SHAHRI, ISTIKBOЛ МФЙ, 5 ДАХА КУЧАСИ, 3-УЙ, 0-ХОНАДОН**

Tomonidan berilgan:

**ANGREN SHAHRI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI**

240688





«Тасдиқлайман»  
Тошкент вилояти Фтизиатрия  
ва пульмонология маркази  
раҳбари Зияев Т.Э.

23. 11. 2022 йил соат 10:00

### Йиғилиш баённомаси № 6

**Кун тартибида:** Тошкент вилояти Фтизиатрия ва пульмонология марказининг ошхонасини “аутсорсинг хизмати” га топшириш учу товар хам-ашё биржасига жойлаштирилган № 188806 рақамли эълон буйича.

**Қатнашдилар:** комиссия раиси - ТВФва ПМ раҳбари-бош шифокори Зияев Т.Э.

Аъзолари : 1. Бош ҳисобчи Зулфиқорва Х.С.

2. Ташхислаш бўлими мудирини Зайнишева М.К.

3. Бош хамшира Чигатоева Д.Х.

4. Пархез хамширасини Абдурахмонова Ф.Ж.

5. Хўжалик бўлими мудирини Юлдашбеков Б.К.

Йиғилишда Марказ раҳбари, бош шифокор Зияев Т.Э. раислик қилди. Ўзбекистон Республикасини Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли қарорини таъминлаш мақсадида “Аутсорсинг” хизмати учун Ўзбекистон республикасини товар хом-ашё биржасига энг яхши таклифни танлаш учун 2022 йил 12 ноябрда 188806 -сонли лот жойлаштирилганлигини айтиб ўтди. Ўзбекистон республикасини Соғлиқни сақлаш вазирлигини тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиб тўғрисидаги низомининг 2-бобида асосан 20% устама ҳақи билан ҳисобланган нархларда қўйидаги 2 нафар ташкилотлардан тижорат таклифлари тушган. Улар қуйидагилар: «IMKON MEBEL DROP» МЧЖ, ва «MILLIY ISSIQ OVQAT» МЧЖ лар.

№	Кўрсатиладиган хизмат номи	« IMKON MEBEL DROP »МЧЖ		« MILLIY ISSIQ OVQAT » МЧЖ	
		ўлчов бирлиги	нархи	ўлчов бирлиги	нархи
1	4 маҳал иссиқ овқат (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик ва кечки овқат) 20%ли устамасини билан бирга	порция	33500 (27900+20%) сўм	порция	34200 (28500+20%) сўм

« IMKON MEBEL DROP » МЧЖ тижрат таклифи ҳар бир бемор учун бир кунга (нонушта, тушлик , иккинчи тушлик ва кечки овқат) 20% устама ҳақи билан бирга 33000 (ўттиз уч минг )сўмдан тақдим этилган бўлиб, илова қилинган таомномалари ўрганиб чиқилганда тақдим этилган ҳужжатлари талабларга мосмаслиги аниқланди ва ҳаммаси булиб 76 балл берилди.

« MILLIY ISSIQ OVQAT » Масъулияти чекланган жамияти ҳар бир бемор учун бир кунга (нонушта, иккинчи нонушта, тушлик , иккинчи тушлик ва кечки овқат) 20% устама ҳақи билан бирга ҳисобланганда 34200 ( ўттиз тўрт минг икк юз ) сўмдан тақдим этилган бўлиб, тақдим этилган таомномалари ўрганиб чиқилганда овқатларнинг хилма-хиллиги ва нархи бошқа ташкилотларга қараганда нисбатан арзонлиги танлов комиссияси аъзоларига маъқул булди ҳамда юқори балл қуйилиб, ҳаммаси бўлиб, 96,39 балл қуйилди.


Энг яхши таклиф жўнатган « MILLIY ISSIQ OVQAT » МЧЖ сифатида 2022 йил 18 ноябрь куни соат 11:50 да танлаб олиниб,баённома шаклланди. Баённома шаклланигандан сўнг 48 соат мабойнида оғзаки ёки ёзма равишда эътироз ва шикоятлар келиб тушмади.

#### Юқоридагиларни ўрганиб чиқиб, комиссия қарор қилади.

Иссиқ овқат ташкил этиш хизмати амалга ошириш учун энг яхши таклиф сифатида « MILLIY ISSIQ OVQAT » МЧЖ таклиф эткан маҳсулотларнинг сифати ва хилма-хиллиги нархнинг арзонлигини инобатга олиб:

1. Танлов комиссияси томонидан « MILLIY ISSIQ OVQAT »МЧЖ янги яхши таклиф танлови ғолиби деб эълон қилинсин.
2. « MILLIY ISSIQ OVQAT »МЧЖ билан шартнома имзолансин.
3. Танлов ғолиби билан бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилсин ва вазначиликдан руйхатдан ўтказилсин.

Комиссия аъзолари:




Зулфикорова Х.С

Зайнишева М.К.



Чигатоева Д.Х.

Абдурахманова Ф.Ж.



Юлдашбеков Б.К

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 188806 на приобретение Иссиқ овқат (Нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат) билан таъминлаш 20% ли устамаси билан бирга**

Способ проведения электронный

Дата 18.11.2022

Время рассмотрения 18.11.2022 11:50

Закупочная комиссия Тошкент Вилояти Фтизиатрия ва пульмонология маркази, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ZIYAYEV TULKIN ERKINOVICH	Раҳбар	Тошкент вилояти Фтизиатрия ва пульмонология маркази
<b>Секретарь комиссии</b>	CHIGATAYEVA DILOROM XUSANOVNA	Шифокор	Тошкент вилояти Фтизиатрия ва пульмонология маркази
<b>Член комиссии</b>	ZULFIQOROVA HAYRINISO SOBIROVNA	аъзо	Тошкент вилояти Фтизиатрия ва пульмонология маркази
<b>Член комиссии</b>	YULDASHBEKOV BAHTIYOR KUCHKAROVICH	Хўжалик бўлими мулдир	Тошкент вилояти Фтизиатрия ва пульмонология маркази
<b>Член комиссии</b>	ABDURAXMANOVA PARIDA DJURAYEVNA	Пархез ҳамшира	Тошкент Фтизиатрия ва пульмонология маркази
<b>Член комиссии</b>	ZAYNISHEVA MUNIRA KAMILOVNA	Шифокор- фтизиатр, Касаба ушмаси раиси.	Тошкент вилояти Фтизиатрия ва пульмонология маркази

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.11.2022 года № лота 188806.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по организации горячего питания
Подробное описание	4 махал иссиқ овқат (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат) 20% устамаси билан бирга.
Количество товара	7 240.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	35 000.00
Стартовая сумма	253 400 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по организации горячего питания
Подробное описание	4 махал иссиқ овқат (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат) 20% устамаси билан бирга.
Количество товара	7 300.00



Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	35 000.00
Стартовая сумма	255 500 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг банк хисоб рақамида Жойлаштирилган эълон қийматининг 40% миқдориди пул маблағига эга бўлиши ва банкда картотекада турмаслиги ҳақида маълумотнома мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Банкдан маълумотнома . Маълумотнома олинганига бир ойдан ошмаган бўлиши керак.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MILLIY ISSIQ OVQAT" MCHJ	30	30	28	Экспертная		
OOO IMKON MEBEL DROP	30	20	15	Экспертная		

Критерий №2 Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотнома олинганига бир ойдан ошмаган бўлиши керак

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MILLIY ISSIQ OVQAT" MCHJ	20	20	20	Экспертная		
OOO IMKON MEBEL DROP	20	20	15	Экспертная		

Критерий №3 Озиқ-овқатларни этказиб бериш мuddати ва бир хафтали озиқ - овқат менюси

Тип: Текстовое значение

Описание: Умумий ишлаб чиқариш графиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MILLIY ISSIQ OVQAT" MCHJ	20	20	19	Экспертная		
OOO IMKON MEBEL DROP	20	20	16	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчилари томонидан коррупсия кўринишларига йўл қўйилмаслиги бўйича кафолат хатининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MILLIY ISSIQ OVQAT" MCHJ	10	10	10	Экспертная		
OOO IMKON MEBEL DROP	10	20	8	Экспертная		

Критерий №5 Аутсорсернинг Давлат идоралари руйхатидан ўтказилаганлаиги ҳақидаги гвохнома мавждлиги. Инсофсиз ижрочилар руйхатида турмаслиги ҳақида

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувохнома нухаси , маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MILLIY ISSIQ OVQAT" MCHJ	20	20	19	Экспертная		
OOO IMKON MEBEL DROP	20	20	16	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
OOO IMKON MEBEL DROP	508 900 000.00	487 090 000.00 UZS	487 090 000.00	00.00	487 090 000.00	17.11.2022 14:51:09	20
"MILLIY ISSIQ OVQAT" MCHJ	508 900 000.00	497 268 000.00 UZS	497 268 000.00	00.00	497 268 000.00	12.11.2022 11:42:18	19.59064

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
OOO IMKON MEBEL DROP	56	20	76
"MILLIY ISSIQ OVQAT" MCHJ	76.8	19.59064	96.39064

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 188806 от 18.11.2022 года на приобретение Иссиқ овқат (Нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат) билан таъминлаш 20% ли устамаси билан бирга определила победителем:

"MILLIY ISSIQ OVQAT" MCHJ  
309993064

и резервный исполнитель: ООО ИМКОН МЕБЕЛ ДРОП (307928610)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	ZIYAYEV TULKIN ERKINOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ZULFIQOROVA HAYRINISO SOBIROVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	YULDASHBEKOV BAXTIYOR KUCHKAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABDURAXMANOVA PARIDA DJURAYEVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ZAYNISHEVA MUNIRA KAMILOVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

№ п/п	Наименование	Единица измерения	Количество	Цена за единицу	Сумма
1	Мебель	шт.	10	1000	10000
2	Мебель	шт.	10	1000	10000

№ п/п	Наименование	Единица измерения	Количество	Цена за единицу	Сумма
1	Мебель	шт.	10	1000	10000
2	Мебель	шт.	10	1000	10000

№ п/п	Наименование	Единица измерения	Количество	Цена за единицу	Сумма
1	Мебель	шт.	10	1000	10000
2	Мебель	шт.	10	1000	10000

188806 лот юзасидан шаклланган дастлабки баённоманинг муҳокамаси натижаси  
буйича расмийлаштирилган электрон  
баённомаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари буйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

22.11.2022 13:00 ZIYAYEV TULKIN

Комиссия раиси:

ERKINOVICH